



# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 26-mart. Seshanba • 36 (31.626)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2013 йил 28 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 27 март соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## ЎзХДП Марказий Кенгашининг VII пленуми тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 27 март куни Ўзбекистон ХДП  
Марказий Кенгашининг VII пленуми бўлиб ўтади

Унда партия Марказий Кенгаши ва Марказий тафтиш комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, худудий партия ташкилотлари етакчилари, партия матбуоти ва бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашади.

Пленумда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда Обод турмуш йили Давлат дастурида белгиланган партиялик электорати манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотлари ва депутатлик биллаш-

маларининг амалий иштирокини кучайтириш масалалари муҳокама этилади. Шунингдек, пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида ва партиянинг ўтган йилги бюджетни ижросига оид ҳисоботлар кўриб чиқилади. Пленумда партиянинг 2013 йилга мўлжалланган бюджетни лойиҳаси тасдиқланиши режалаштирилган.

Пленум доирасида жорий йилнинг 26 март куни мафкура, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар, ижтимоий сиёсат ва аҳоли бандлиги, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ташкилий-кадрлар ва молия-иқтисод йўналишлари бўйича шўъба йиғилишлари ташкил этилади. Уларда жорий йилда ЎзХДП фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

### Таҳлил ва таклиф

Сиёсий партиянинг халқ орасига чуқур кириб бориши, нуфузи мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаолияти қай даражада самарали йўлга қўйилганига бевосита боғлиқ. Қуйи бўғин иши тўғри ва тизимли ташкил этилса, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён этади.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш учун нималарга кўпроқ аҳамият қаратиш зарур? БПТни сиёсий кучнинг том маънодаги қуйи ташкилотига айлантириш нималарни талаб этади? Бошланғич ташкилотларни кучайтиришнинг қандай янги йўллари бор?

Бу масала бўйича тахририятимизга бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия кенгашлари раислари ҳамда масъул ходимлари, депутатларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини юборишмоқда.

## СИЁСИЙ ПАРТИЯ

бошланғич ташкилотлар  
фаоллиги орқали кучли бўлади

Алишер ЮСУПОВ,  
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши  
раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти мустаҳкам қарор топиши сиёсий партиялар фаоллигининг ортиши, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки кучайишига бевосита боғлиқ. Бу эса кўп жиҳатдан партиянинг аъзолар билан ишлаш усулига, электорат орасига нечоғли чуқур кириб бориши каби масалаларга бориб тақалади. Бошланғич партия ташкилотлари эса бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир сиёсий партиянинг салоҳиятини қуйи бўғин ташаббускорлиги белгилар экан, дастурий максادلарга эришиш, жамиятда таъсир кучига эга бўлиш учун уларнинг фаоллигини ошириш, имкониятларидан самарали фойдаланиш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Қуйи бўғин фаолиятини жонлантириш учун, аввало, партиянинг Марказий Кенгашидан тортиб, то БПТга

қадар бир бутун, ягона сиёсий куч сифатида ташаббускорликни кучайтириш, айрим бошланғич ташкилотлар билан сусайиб қолган алоқаларни мустаҳкамлашимиз керак. БПТ томонидан кўтарилаётган ҳеч бир таклиф эътибордан четда қолмаслиги лозим. Партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари уларни чуқур таҳлил этиб, ҳаётга татбиқ қилиш учун курашишни керак. Ташаббуси амалга ошиётганини, кимдир уни қўллаб-қувватлаганини кўрган кишининг эса фаоллиги, жонқурлиги, ижтимоий масъулияти янада ошади.

Аммо тан олиш керак, бу борадаги ишларимизни ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Илғор бошланғич ташкилотлар тажрибасини оммалаштириш борасида ҳам камчиликларимиз оз эмас. Бу эса партия сафини мустаҳкамлаш, ташаббускорликни оширишга тўсқинлик қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

### Электорат билан ишлашнинг замонавий усуллари

## «ЎзХДП ўтказган ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАН ТУФАЙЛИ

имтиёзли кредит олиб, ўз ишимни йўлга қўйдим,  
янги иш ўринлари очдим»



2011-2012 йилларда ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилган 31 та ижтимоий-иқтисодий анжуманда 11300дан ортиқ партия электорати вакили иштирок этди. Уларнинг 1171 нафарига имтиёзли кредитлар олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди. Бугунги кунда кредит олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйганлар сони 847 нафарни ташкил этди. 232 нафар ҳамюртимиз эса ўз ишини бошлаш арафасида турибди.

⇒ 2

### Муносабат

## ЭЗГУ АМАЛЛАР ВА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР намоён этиладиган байрам

Ҳар биримиз бу байрамни доимо катта қувонч, интиқлик ва меҳр билан кутамиз. Юртбошимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимда халқимизга йўллаган табрик сўзида айтганидек, *хосият ва фойз, кут-барак ва муруват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва туи тенг келадиган шарқона Янги йилмизни — бу гўзал баҳор айёмини бarchамиз орзиқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказамиз.*

Дарҳақиқат, Наврўз ҳаёtimизга янгича фойз, кут-барак келтирадиган ўзига хос байрам. Одамлар ўртасида меҳр-оқибат ва бирдмликнинг кучайиши эса тинчликни янада мустаҳкамлаш ҳамда турмушимиз фаровонлиги ошишига, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тараққиётига хизмат қилади.

Наврўз кунлари намоён этиладиган урф-одатлар, инсоний фазилатларга эътибор бериб, фикр юритадиган бўлсак, бу эзгу ишлар ЎзХДП говий мақсадларига тўла мос келади. Шунинг учун ҳам партияимиз фаоллари, депутатларимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва кишиларни қўллаб-қувватлаш ишларида фаол иштирок этиши талаб қилинади. Баҳор айёми катта қувонч билан нишонланаётган шу кунларда кам таъминланган оилалар, қўллаб-қувватлашга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Жамиятимизда ижтимоий бирдмлик кучайишида бу каби инсоний омилилар муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина мисол, «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳукумат қарори асосида республикаимизда ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та кўпқаватли уй барпо этилмоқда. 2012 йилда 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйлари харид қилиш учун қўлай имконият яратиш мақсадида ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган имтиёзли ипотека кредитлари берилаяпти.

Бу каби қўлайликлар ва ғамхўрлик ёш оилалар аъзоларининг келажакка ишончини мустаҳкамлашга, бундан руҳланган ёшлар бор куч-салоҳиятини ўзи меҳнат қилаётган соҳа ривожига сарфлайди. Наврўз байрамини кунларига амалга ошириладиган эзгу ишларнинг мазмун-моҳияти ҳам меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, инсон кадрини улуглаш, асрлар давомида яшаб келаётган миллий қадриятларимизни, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Абдуқаҳҳор ЮСУПОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
хузуридаги Нодавлат нотижорат  
ташкилотларини ва фуқаролик  
жамиятининг бошқа институтларини  
қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

## ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда ҳудудий нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш;
- давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардор қилиб бориш, аҳолининг, жамоат биллашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;
- аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини янада яхшилашда, аҳоли орасида, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВларнинг ролини ошириш;
- аҳолининг, энг аввало ёшларнинг дунёқаролини кенгайтириш ва маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, уларда мустақил тафаккурни тарбиялаш;

- нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашиш;
- миллий матбуотнинг сифати, маҳорати ва самарасини изчил ошириш;
- босма ОАВлар материалларини мамлакатимиз аҳолисининг анъаналари, менталитети, кўп асрлик ижтимоий ривожланиш таърибаси ҳамда жаҳон тамаддунининг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий, говий ва бадий савиясини юксалтириш;
- ОАВларнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларини янада ривожлантириш;
- интернет-журналистикани ривожлантириш, миллий матбуотни халқаро медиа-оламида муносиб ўринга эга бўлиши мақсадида унинг усулларини ўзлаштириш.

(Давоми 2-бетда.)



# «ЎЗХДП ЎТКАЗГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАН ТУФАЙЛИ

## имтиёзли кредит олиб, ўз ишимни йўлга қўйдим, янги иш ўринлари очдим»

**Махфират МИРЗААХМЕДОВА,**  
Наманган вилояти, Норин тумани:

— Болалигимдан тиқиш-биқишга қизиқман. Аммо бу иш билан шуғулланиш учун нима қилиш кераклигини билмасдим. ЎЗХДП Норин туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этдим. Бу ерда менга вилоятда ўтказилган ижтимоий-иқтисодий анжуманда катнашишни маслаҳат беришди. Уша тadbирда «Агробанк» Норин туман филиалининг имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатини олдим. Бугунги кунда 15 нафар чевар қиз тикаётган турли маҳсулотларга талаб катта. Ишимни янада ривожлантириш ниятидаман.

**Севара БОЗОРБоеВА,**  
Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани:

— Утган йили коллежни тикувчилик йўналиши бўйича тамомладим. Дугоналарим билан маслаҳатлашиб, бирор бир юмунинг бошини тутишга аҳд қилдик. Лекин иш маблаг масаласига келиб тақалгандан кейин йўналиб қолдик. Бу пайтда бизга ЎЗХДП кўмакка келди. Вилоятда ташкил этилган анжуманда менга 3 миллион сўм «Агробанк» кредитини олиш учун сертификат беришди. Хозирда 3 нафар тенгдошим билан ишлаяпман. Соддарок қилиб айтганда ўз кунимизни ўзимиз кўраямиз. Керак бўлса, оиламизга ҳам ёрдам бераймиз.

**Сатулла БЕКТОУЛЛАЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри:

— Мебель цехи ташкил қилиш харақатида юрардим. Партия томонидан ўтказилган тadbир доирасида «Микрокредитбанк»нинг Нукус шаҳар филиали томонидан ажратилган кредит эвазига «БЕК-САТ» мебель ишлаб чиқаришга икти-сослашган корхонани ташкил этдим. Бугунги кунда бу ерда 10 нафарга яқин касб-хунар коллежи битирувчилари ишламоқда. Бозорда биз ясаётган нархи арзон, сифатли мебелларга талаб борган сари ошиб бормоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



### ЎЗХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

## ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КўРСАТИШ ТИЗИМИ

такомиллаштирилиши зарур

**А**ҳолининг транспорт хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжи йилдан-йилга ортиб бораёпти. Транспорт воситалари узогимизни яқин қилувчи кўмакчимиздир. Бироқ, бу борада ноқонуний ҳолатларга йўл қўйилганлиги кўпсалб оқибатларни келтириб чиқараёпти. Кейинги йилларда Наманган шаҳрида ҳам транспорт хизмати кўрсатиш тизимида доир қатор муаммолар юзга кела бошлади.

2012 йилда транспорт харақати қондаларининг бузилиши оқибатида 26 киши ҳаётдан қўз юмди. Таҳлиллар шаҳар ҳудудида транспорт воситаларининг ортиб кетгани, айниқса, уларни бошқариётганларнинг кўпчилиги ҳали тажрибасиз ёшлар экани бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлаётганини кўрсатди. Наманган шаҳри билан Янгиқўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чўст, Тўрақўрғон ва Наманган туманларини боғлаб турувчи йўналишларда айрим такси хизмати ходимлари ҳеч қандай ҳужжатсиз фаолият юритиб, амалдаги қонун ва тартибларнинг қўпол равишида бузилишига сабаб бўлмоқда. Наманган шаҳрида «Лола-Чорсу», «Лола-Микрорайон»,

«Микрорайон-Чорсу» белгиларини қўйиб олган қоидабузарлар ўзибошимчалик билан 1000 сўмдан 2000 сўмгача йўлқира белгилаб, мўмай даромад топиш учун ноқонуний ҳаракат қилмоқда. Ҳатто қўшни Андижон вилоятидан Наманган шаҳрига келиб, йўловчи ташиш билан ноқонуний равишда шуғулланаётганлар ҳам учраётди. ЎЗХДП Наманган шаҳар кенгаши ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан ўтказилган назорат-таҳлил давомида, шунингдек, транспорт харақати хавфсизлигини таъминлашга йўлларнинг таъмирталб ҳолга келиб қолгани, шаҳар ҳудудидаги мавжуд чорраҳаларнинг 30-40 фоизда светофорлар-

нинг носозлиги, шунингдек, аксарият кўчаларнинг тунги ёритиш тизими ишдан чиққанлиги тўсиқ бўлаётгани ҳам аниқланди. Мазкур соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, ноқонуний тақсилар фаолиятига чек қўйиш мақсадида халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи ҳамда Қонунийлик, ҳуқуқ тартибот ва аҳоли хавфсизлиги масалалари доимий комиссиясининг кенгайтирилган қўшма йўналишида «Наманган шаҳрида йўл харақати қондалари бузилишларининг олдини олиш чора-тадбирлари ва аҳолини жамоат транспорти хизматлари билан таъминлаш тўғрисида»ги масала батафсил муҳокама қилинган эди. Яқинда мазкур масала халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида кўриб чиқилди. Сессияда соҳа ходимлари йўл харақати хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги ноҳушликларга қарши кўри-

ётган чора-тадбирларни кучайтиришлари кераклиги таъкидланди. Йўловчи ташиш билан шуғулланадиган корхоналарга лизинг йўли билан олиб келинган автобуслар қатнайдиган йўналишлар бўйича кунлик режалар бажарилмай қолаётгани, бунда ходимлар масъулиятини янада ошириш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Йўл харақати қондаларига тўлақонли амал қилинишида «Камолот» ЕИХ, «Нуроний» жағрмаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, ички ишлар бўлими, участка профилатика инспекторлари ҳамда депутатлар биргаликда амалий фаолият олиб боришлари талаб қилинади. Сессияда қўрилган масала юзасидан қабул қилинган қарор асосида тегишли амалий ҳаракатлар бошланди. Қарор ижросини назорат қилишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди. **Носиржон ДЕҲҚОНОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

### Таҳлил ва тақлиф

## СИЁСИЙ ПАРТИЯ

бошланғич ташкилотлар фаоллиги орқали кучли бўлади

«Аъзоларда фаолият етишмайди, етакчилар ўз ишига масъулиятсиз, тadbирларда тасвирчанлик йўқ», деган танқидларни кўп эшитамиз. Бундай камчиликларни инкор этиб бўлмайди. Уларни тузатиш учун бошланғич ташкилотлар етакчиларини қўллаб-қувватлаш, улар ўртада илгор тажрибаларни омма-лаштириш керак. Етакчиларда тажриба етишмаса, нима қилишни билмас, у ерда иш юришмайди. Шу

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

## ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**  
1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати;  
2. Жамоат фонднинг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианты;  
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;  
4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратилган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.** ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

бандлигини таъминлашдир. Шу мақсадда партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан банд бўлмаган аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари, хотин-қизлар, жисмоний имконияти чекланган инсонларни оилавий тadbиркорлик, хунармандчилик ва қасаначилик фаолиятига жалб этиш, оила аъзолари, маҳалладошлари учун иш ўринлари очишга қобилияти бўлган электрот вакилларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иқтисодий билимларини ошириш мақсадида мазкур ижтимоий-иқтисодий анжуманлар ўтказилди.

Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Микрокредитбанк» ҳамда қатор тижорат банклари ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча минтақаларида ташкил этилган форумлар яқини бу борада муайян натижаларга эришилганини кўрсатади. Tadbirlar давомида берилган кредитлар ҳисобидан 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Мазкур анжуман доирасида электрот вакиллари учун иқтисодий ўқувлар уюштирилди. Бунда бизнес-режа тузиш, кредитлар олиш ва қайтариш механизми бўйича атрофлича тушуна берилди. Шунингдек, тижорат банклари хизматларидан фойдаланиш юзасидан тренинглр ўтказилди.

Барча форумларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Унда 2284 та корхона ва ташкилотлар 30 569 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Бунинг натижасида 2735 нафар партия электорати вакили ишга жойлаштиш бўйича йўлланмалар олди.

Шунингдек, форумлар доирасида 21 марта **кўма Жамоатчилик қабулхоналари** фаолият кўрсатди. Уларда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари фуқароларнинг турли масалалар юзасидан 200га яқин мурожаатни ўрганди. Уларнинг 100дан ортиғига ҳуқуқий маслаҳат берилди, айримлари ҳамкор ташкилотлар кўмағида ҳал этиш учун тегишли идораларга юборилди...

**Фаррух ҲАМРОЕВ,**  
**Нурали ОРИПОВ** тайёрлади.

**Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бугун даврнинг ўзи сиёсий партиялар олдида электрот билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан фойдаланиш масаласини қўймоқда. Бу эса электрот манфаатларини янада самарали ҳимоя этишга хизмат қилиш билан бирга, келгуси сайловларда сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлишини белгилаб беради.**

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18.00 га қадар қабул қилинади. Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор шох кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт. Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин. **Маълумот учун телефон рақамлари:** 239-26-76, 239-26-64.



# КАШАНДАЛИК — СОҒЛИК КУШАНДАСИ, УМР ЗАВОЛИ

## у етказаетган моддий ва маънавий зиёнлар хусусида

**С**игарет таркибида 196 хил зарарли модда мавжуд. Ундан 14 таси гиёҳванд модда ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) томонидан тамаки пасив наркотик деб эълон қилинган. Кашандаларнинг 90 фоизда ўпка саратони, 25 фоизда турли юрак хасталиклари юзага келиши тадқиқотларда тасдиқланган. Ер юзиди ҳар ўн сонияда бир одам чекиш оқибатида вафот этади. Бу бир йилда 6 миллион киши дегани.

Юқоридаги маълумотлар дафъатан сизга тааллуқли эмасдек туюлиши мумкин. Аммо улар орасида ўзингизнинг ақилдорлигингиз, фарзандларингиз бўлиши эҳтимолини ўйлаб кўрсангиз, кашандалик хавфи узоқ эмаслигини ҳис қиласиз. Дарҳақиқат, кашандаликдан ҳеч ким тўла кафолатланмаган. Мутахассислар унинг тутуни чекувчи нисбатан атрофдагиларга кўпроқ таъсир ўтказишини таъкидлашади. ЖСТ берган маълумотларга кўра, 700 миллион, яъни дунё болаларининг тенг ярми иккиламчи тутун таъсирга учрайди. Ер юзиди эса 1,5 миллиард кашанда бор. Бу дунё аҳолисининг ҳар 4 кишидан бири чекувчи эканлигини аналатади.

— Чекишнинг хавфи жиҳатларидан бири шундаки, унинг зарари тезда билинмайди. У организмни секин-аста захарлаб, унинг қаршилик тизимини обдон ишдан чиқариб боради, — дейди **тиббиёт фанлари номзоди, Саломатлик — 3 лойиҳаси етакчи мутахассиси Шухрат Шукуров**. — Мутасил чекиш оқибатида артериялар қўзилувчанлиги йўқолади, муртлашади, томирлар торады. Натижанда, атеросклероз ва юракни ишемик касал-

лигига олиб боради. Никотин таъсири оқибатида юрак уришининг тезлашиши стенокардия руҳини келтириб чиқаради. Чекувчилар бошқаларга нисбатан кўпроқ ўпка, бронхлар ва ҳалқумнинг сурункали касаллигини бошдан ўтказади. Чекувчиларга нисбатан сурункали бронхит 5-6 марта кўп учрайди. Чекувчилар ўртасида туберкулез ҳам орттироқдир. Тамаки тутуни таркибида таъсирловчи моддалар бўлиб, безлар шиллик гипертрофиясини чақиради. Улар кўп миқдорда балғам сифатида шиллимиш модда ҳосил қилади. Бу эса, ўз навбатида, нафас тизимининг инфекцияга қаршиликни камайтиради. Тамаки таркибидаги қурум ва сақич нафас йўлларида ўтириб қолади. Натижанда, лорингит келиб чиқади, овоз бўғилиб, хирриллаш пайдо бўлади. Респиратор касалликлар хавфи ортади. Чекиш ўпка ракиннинг 71, нафас йўллари сурункали касалликларининг 42 ва юрак қон-томир касалликлари 10 фоизининг сабабчиси.

Чекиш, айниқса, ўсимирлар учун жуда хавфли. Чунки бу даврда организмда ҳали физиология функциялар шаклланиган бўлиб, никотиннинг таъ-

сирида улар патологик ҳолда шаклланади. Энг ёмони, ёшида ўрганилган кашандаликдан кейинчалик қутулиш қийин. Никотинга боғлиқлик гиёҳвандликка қарамликка ўхшади. «Бир марта тотиб кўрсам ҳеч нарса қилмайди», деган ўй ниҳоятда хато. Кашандалик муолажаси гиёҳвандликни даволаш сингари жиддий жараён ва бунда руҳий ҳолат билан ирода ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кузатишлар кашандалар сони дунё бўйлаб кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ўз навбатида, унинг қурбонлари сони ҳам ортиб бораётди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб сигарет оқибатида содир бўлган ўлимлар бошқа ҳолатдаги ўлимларнинг 10 фоизини ташкил қилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига қараганда, 2006 йилда ўтказилган сўровлар натижаларига кўра, мамлакатимиздаги эркаларнинг 19,6 фоизи сигарет, 22,3 фоизи нос истеъмол қилади. Аёлларимиз орасида кашандалик 1 фоизни ташкил қилади. Бу Европа ва баъзи қўшни мамлакатлардаги «курсаткич»дан бирмунча кам бўлса-да, хотиржамлик учун асос йўқ.

Кузатишлар ёшларимиз орасида чекишга ружу қўйиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Албатта, унинг олдини олиш, ёшларда тиббий маданиятни юксалтириш, уларни спорт ва бадан тарбия машғулотида кенг-кўламли рағбатлантириш шариити яратиб бериш зарур. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ёши катталар ибратли муҳим. Отаси, устози ёки шифокорнинг оғзиди сигарет сиғирган фарзанд учун кашандаликнинг зарарини тушуниш, турган гапни, қийин кеңади.



Нега унда отаси, устози чекади, ҳатто дўхтир ҳам чекади-ку?! Ёмон бўлса, нега улар ташламайди? Буни қарангки, вояга етмаган ўглининг қўлига пул тутказиб, дўкон ёки сигаретчи ҳолаларга югуртирадиган оталар ҳам бор. Талаба-шоғирдан тутантириқ сўраб, бирга чекувчи устозлар ҳам учраб туради.

Фикримизча, нафақат оила ёки таълим муассасаси, балки корхона ва ташкилотлар ҳам кашандаликка қарши амалий иш билан курашмоғи керак. Айтмайлик, ходимларнинг ишдан бўш вақтида спорт билан шугулланиши учун шароит ва имконият яратиш шу мақсадга хизмат қилади. Бу масалага эътибор берадиган, ёш ходимларни футбол, теннис, волейбол майдончаларига етаклаб борадиган ёхуд ишхонада бадантарбия қилишга шароит яратган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари

қанча кўпайса, шунча яқин. — Тамаки чекиш аҳолининг саломатлигига катта хавф тудираётганлиги учун кўпчилик давлатларда унинг истеъмолини чегаралаш, сигаретсиз соғлом ҳаёт тарзини рағбатлантириш, тамаки маҳсулотлари савдоси тартиб-қоидаларини кучайтириш ва бу борадаги қонунларни такомиллаштириш жараёни кузатишмоқда, — дейди **Олий Махлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Комила Каромова**. — Россияда таълим ва даволаш муассасалари, жамоат транспорти ҳамда стадионларда чекиш қонун йўли билан тақиқланган. Чекиб турган киши тасвири реклама ичида жойлаштириш, тамаки ва тамаки маҳсулотларини реклама қилиш мумкин эмас. Нью-Йорк штатида тақиқланган жойлар,

масалан, ёпиқ жамоат жойлари ва хизмат автомобилида чекилгани учун 1000 АҚШ доллари миқдориди жарима солинади. Италияда жамоат жойларида чеккан кишига жарима миқдори 250 евродан 2000 еврогача белгиланган. Финляндия қонуни фақат кўчаларда чекишга руҳсат беради. Бошқа жойда уни истеъмол қилган, ҳатто соғва сифатида бировга берган жавобгарликка тортилади. Япония, Малайзия, Туркиянинг айрим жойларида чекмайдиганларга мукофот бериши, уни ташлаганларга имтиёзлик кредитлар ажратиш жорий қилинган. Туркиянинг кишлоқларидан бирида амал қилаётган маҳаллий таомилга кўра, катталар кичикларга ёмон ибрат бўлмастлиги учун чекмаслиги шарт. Агар у қонидан бузса, кишлоқдаги камбағал оилага бир қоп ун ёки шакар олиб бериши талаб қилинади. Бутан қироллигида тамаки савдоси ман қилинган. Тамаки маҳсулотлари сотиши билан шугулланган фуқарога 225 доллар миқдориди жарима солинади. Ваҳоланки, мамлакатдаги ўртача иш ҳақи 16 долларни ташкил қилади.

Кашандалик глобал муаммага айланаётгани бос, ЖСТ ассамблеяси томонидан 2003 йили «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши курашиш бўйича Хадли конвенцияси» қабул қилинди. 174 давлат унинг иштирокчиси ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон ҳам (2012 йил). Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Хадли конвенциясининг кўпчилик қоидалари «Реклама тўғрисида» (1998 йил қабул қилинган, 2002 ва 2008 йиллар кўшимча ва ўзгаришлар киритилган), «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида» (1997 йил), «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилиниши чеклаш тўғрисида» (2011 йил) Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда тамаки маҳсулотлари рекламаси мутлақо тақиқланган. Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган нуқталарда, жамоат жойларида, жамоат транспор-

тининг барча турларида тамаки маҳсулотлари истеъмол қилинган. Шунингдек, 20 ёшга тўлмаганларга уни сотиш мумкин эмас. Тамаки сотувчи савдо объектлари таълим, спорт ва диний муассасалардан камиди 500 метр узоқликда жойлаштириш зарур ва ҳақоз. Юқоридаги тартиб-қоидаларни бузган шахслар ва мансабдорлар жавобгарликка тортилади.

Кашандалик худди ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик иллатлари каби ижтимоий, ахлоқий ва маънавий омиллар билан боғланган. Кашандаликнинг кўпайиши жамиятнинг ижтимоий устуни зарар кўришига, ахлоқий кадрларга кучсизланишига ва маънавият емирилишига сабаб бўлади. Кашандалик нафақат шахслар, балки давлатнинг иқтисодиётига ҳам катта зарар етказувчи иллат. Унинг олдини олиш, чекишга муқкасида юзага келадиган салбий оқибатларнинг олдини олиш учун 2005 йил давлатимиз томонидан 61,9 миллиард сўм сарфланган бўлса, тамаки маҳсулотлари сотишдан тушган фойда эса 23,6 миллиард сўмни ташкил қилган. Демак, фуқароларнинг тамаки истеъмол қилиши давлатга ўша йили 38,3 миллиард сўм зарар келтирган.

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ўтган йили сигарет чекиш оқибатида 1353 та ёнғин келиб чиққанлигини маълум қилган. Бу 2012 йили содир бўлган ёнғинларнинг қарийб 10 фоизини ташкил қилади. Уларда 55 нафар фуқаро вафот этган. 53 нафар киши турли даражада куйиш тан жароҳатини олган. Шунлардан 3 нафари болалар. Аҳоли мол-мулкига етказилган моддий зарар эса 156 миллион сўмни ташкил қилади.

Гувоҳи бўлганлигини ҳисобга олганда, кашандалик орқали нафақат инсон моли, балки соғлиғи, умри ва жони ҳам ёниб, қул бўлмоқда. Соғлиқ — бойлик. Уни йўқотган ҳамма нарчасини йўқотади.

Акбар ЖОНУЗОКОВ

### Тиббиёт

## МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР МЕҲНАТИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

**Х**алқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом авлодни камолга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, бугун мамлакатимизда замонавий тиббиёт муассасаларини барпо этиш, уларни энг мукамал тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, тиббий хизмат сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимиз Фармонига мувофиқ қабул қилинган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид Давлат дастури алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга кўра, жойларда иختисослаштирилган шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилиб, мажбур муассасаларнинг жаҳон андозалари даражасидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги ҳасталикка аниқ ташхис қўйиб, самарали муолажа усулларини қўллаш имконини берапти. Хусусан, юртимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос тизими шакллантирилганлиги ва аҳолига тезкор, сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётгани бунинг амалий тасдиғидир.

Ҳозирда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 172 та субфилиал фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча худудларида «103» хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати йўлга қўйилган. Тез тиббий хиз-

мат кўламини янада кенгайтириш борасида сўнгги йилларда мажбур тизим қарийб 800 та мажбур транспорт воситаси билан таъминланди ва олис худудларга барча замонавий алоқа воситалари етказиб берилди.

Президентимизнинг 2009 йил 21 майда қабул қилинган «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашда дастуриямал бўлмоқда. Энг муҳими, шошилинч тиббий ёрдам хизмати муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимнинг транспорт паркни бойитиш ҳамда соҳа мутахассислари малакасини ошириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини бермоқда.

Яна шунинг таъкидлаш мумкинки, республикамизда тиббиётнинг ушбу йўналиши

бўйича фаолият кўрсатаётган мутахассислар бугунга келиб АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия, Франция, Буюк Британия, Австрия, Швейцария ва Украина каби давлатлардаги ҳамкасблари билан таъриба алмашиб, ҳамкорликда иш юритиб келаётганлигини ўзи ҳам эътиборга лойиқдир.

Тиббиёт ходимлари билим ва таърибасини янада ошириш ҳамда намунали ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли хайдовчиси» номинациялари бўйича республика миқёсида мажбур кўрик-танлов ўтказилиб келинмоқда. Ушбу нуфузли танлов бу гал ҳам қизғин беллашувларга бой тарзда ўтказилди. Наврўз айёми юртимизда кенг нишонланаётган шу кунларда эса унинг республика босқичи голиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига бўлиб ўтган кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқул тумани тез тиббий ёрдам бўлими «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» номинацияси бўйича голиб, деб топилди ва бош соврин — «Дамас» автоамбуланси билан тақдирланди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали тез тиббий ёрдам станцияси 3-бўлими шифокори Мавжуда Марданова

«Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори», Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган шаҳар тез тиббий ёрдам маркази бўлими хайдовчиси Солиқжон Ходжаев «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли хайдовчиси», деб топилди. Шунингдек, танловнинг ушбу номинациялари бўйича иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳам аниқланиб, уларга эсдалик совгалари топширилди.

Юртимизда биз, тиббиёт соҳаси мутахассисларининг жаҳон андозалари даражасидаги шарт-шароитларда самарали фаолият кўрсатишимиз учун барча имкониятлар яратилган, — дейди «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» номинацияси голиби, Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқул тумани тез тиббий ёрдам бўлимининг мудирини Рашид Норбоев. — Айни пайтда туманимиз аҳолисига сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун 13 та «Дамас» автоамбуланси хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг барчаси керакли жиҳозлар, дори-дармон ва алоқа воситаси билан таъминланган. Бизга ишонч билдириб, бош соврин топширилиши бўлишимизга янада масъулият юклайди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирини Анвар Алимов, Олий Махлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда вазирлиқнинг масъул ходимлари, тизимда фаолият кўрсатаётган шифокорлар иштирок этди. Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«TOSHKENTVINO KOMBINATI» ХИИ

**очик акциядорлик жамияти**

**жамоаси**

*барча юртдошларимизни*  
*Наврўзи олам*  
*билан самимий қутлайди.*  
*Жойларда ҳамон давом этаётган*  
*Янги кун шодиёналари*  
*кўнглимизга кувони,*  
*ҳаётимизга фаровонлик,*  
*хонадонимизга*  
*файзу баърака келтирсин!*

**Байрамимиз муборак!**



# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

дейди Ўзбекистон — Япония маркази ўқитувчиси Отомо Хирошиги



— Ўзбекистонга қачон келгансиз? Ташрифингиздан олдин юртимиз ҳақида нималарни билардингиз?

— 2004 йилда Ўзбекистонда иш бошладим. Ундан олдин эса икки марта сайёҳ сифатида келганман. Бу ерда Самарқанд деган чиройли, буюк, тарихий шаҳар борлигини билдим...

Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини айтган бўлардим. Бу шаҳарлардаги тарихий иншоотлар ҳар қандай чет элликни ўзига ром этиши шубҳасиз.

Айни пайтда Тошкентда жойлашган Ўзбекистон — Япония ҳамкорлик марказида ёшларга япон тилидан дарс бераман.

Пойтахтингиз Тошкент менга ёқди. Биринчидан, ишлашим учун жуда қулай. Бу ерда метро, шаҳарни исталган қисмига элтувчи автобуслар бор. Маданий ҳордиқ олиш масканлари кўплиги сабабли мен Тошкентни яшаш ва ишлаш учун қулай деб билман.

— Ўзбек маданияти билан қай даражада танишсиз?

— Мен қадимий, классик қўшиқларни эктираман. Эски қўшиқлар мазун ва музика жиҳатидан ҳозиргиларидан фарқ қилади. Яъни яхшироқ. Бу менинг фикрим. Ўзбек кийимлари ҳақида гапирадиган бўлсак, менга ат-

лас ёқди. Сабаби, атласнинг дизайни япон дизайнига ўхшаб кетади. Ўзбек маданияти бетақорлиги билан жаҳонда ҳурмат қозонган.

Нукус, Урганч, Шахрисабз, Термиз, Наманган, Фарғона, Андижон шаҳарларида бўлганман. Ўзбекистонда ҳамма жойда ўзига хос ош тайёрлаш усули бор. Менга водийликлар тайёрлайдиган ош ёқди.

— Миллий мезморчилигимиз ҳақидаги фикрларингиз?

— Ўзбек мезморчилиги японларникидан кескин фарқ қилади. Халқингиз катта, маҳобатли иншоотлар қуришга одатланган. Масалан, Регистон мажмуасини олайлик. Бу иншоотнинг буюклиги, салобати инсонларни ҳайратга солади. Бундан ташқари, юртингизда биноларнинг чиройли чиқишига ҳам алоҳида эътибор берилди.

— Ўзбекистонга илк келган пайтда нима эътиборингизни тортган?

— Ўзбекистонда одамлар тез-тез кўришиб, учрашиб турадилар. Япония эса ҳатто ўзининг энг яқинлари билан ҳам учрашарман.

Яна бир жиҳат, ўзбеклар алоҳида эътибор билан сўрашади. Японлар фақат салом бериш билан чекланади. Ўзбекларда хонадон аъзоларининг саломатлиги ҳам сўралади. Бу мен учун қизик ва ёқимли жиҳат.

Ота-боболаримнинг хикояларига таянган ҳолда шуни айтишим мумкинки, айни пайтдаги Ўзбекистон олдинги Японияга ўхшайди. Қайси томонданки, бу ерда одамлар яқинларига, дўсту биродарларига ёрдамлашади, бир-бирини меҳр-оқибатли.

— Ўзбекистон халқига тилакларингиз?

— Аввало сизларни миллий байрамингиз Наврўз билан табриклайман. Юртингиз ҳаммиса тинч бўлсин, ривожланиш ҳозиргидан ҳам юқори босқичга чиқсин. Мен ишонманки, Ўзбекистон келажакда дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига кирди. Шунда ҳам миллийлик, ўзаро меҳр-оқибат йўқолмаслигини тилайман.

Ўзбекистонда анча пайтдан бери яшаётганим боис, бу мамлакат ҳақида кўпга кизикарли маълумотларга эга бўлдим.

Келажакда Япония — Ўзбекистон ҳамкорлиги ташкилотига бориб, у ердаги газеталарда Ўзбекистоннинг эътиборга сазовор жиҳатлари ҳақида мақолалар чоп этиб, юртдошларимга Ўзбекистон ҳақида кенгроқ маълумот бермоқчиман.

— Ўзбекистон халқига тилакларингиз?

— Аввало сизларни миллий байрамингиз Наврўз билан табриклайман. Юртингиз ҳаммиса тинч бўлсин, ривожланиш ҳозиргидан ҳам юқори босқичга чиқсин. Мен ишонманки, Ўзбекистон келажакда дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига кирди. Шунда ҳам миллийлик, ўзаро меҳр-оқибат йўқолмаслигини тилайман.

— Ўзбекистон халқига тилакларингиз?

— Аввало сизларни миллий байрамингиз Наврўз билан табриклайман.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АбЪЗАМ сўхбатлашди.

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аўкцион савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» ҚФЙ, Ҳўазов кўчаси 2-ўй манзилда жойлашган ТТМЗ «Мева-Сабзавот» МЧЖ мулкый мажмуаси очиқ аўкцион савдосига қўйилмоқда.

Аўкцион савдоси 2013 йил 26 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-ўй «Республика биржа маркази» биносида бўлиб ўтади.

Аўкцион савдосида 2013 йил 26 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-ўй «Республика биржа маркази» биносида бўлиб ўтади.

Аўкцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

аўкционда иштирок этиш учун икки нусхадаги буюртманома, закалат пули тўлганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати, юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, нисоз ва таъсис ҳужжатларининг нусхаси, хорижий сармоядорлар - ҳужуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатларининг нусхаси (нотариал тасдиқланган ҳолда), таъсисчиларнинг аўкционда иштирок этиши буйича қарор, раҳбарнинг тегишли буйруғи; шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аўкционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кўнида соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй, 1-қavat, 16-хонада қабул қилинади ва савдо белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00, 232-10-78 телефон рақами орқали олиш мумкин. Хизматлар лицензияланган RR - №0008.

### Бразилия — 2014

## ҒАЛАБАГА ИСТАК КУЧЛИ, ИМКОНИАТ ЕТАРЛИ

Бугун миллионлаб футбол мухлисларимиз оризқиб кутаётган ҳаяжонли кун. 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш босқичининг навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтади. Мусобақанинг «А» гуруҳида пешқадамлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз майдонида Ливан футболчиларини қабул қилади. Ушбу учрашувда ҳамюртларимиз ғалаба қозонса, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш учун янада катта имкониятга эга бўлади.

шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рақибимиз жавоб ўйини олдиндан ўз таркибида бир қатор йўқотишлар билан Тошкентга ташриф буюрган. Жумладан, терма жамоанинг етакчи уч нафар футболчиси ОФК қарорига кўра, турли муддатларга дисквалификацияларга дучор бўлишган. Шунингдек, Осиё кубоги саралаш учрашувида таиландликларга қарши тўп сурган жамоа сардори Рода Антар маълум сабабларга кўра, пойтахтимизга етиб келмаган.

Ақсарият мутахассис ва мухлислар бош мураббий Миржалол Қосимов Осиё кубоги саралаш учрашувларидан фарқли ўлароқ, Ливан футболчиларига қарши бўладиган ўйинга муносиб тактика қўллашга ишонч билдирмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, терма жамоамиз таркибида бирорта ҳам жиддий йўқотиш йўқ. Охириги ўқув-машуғулот йиғинига ҳужумчилар Фарход Тожиёв («Локомотив»), Камолитдин Мурзоев («Бунёдкор»)нинг жалб этилганлиги футболчиларимиздан ҳужумкор ўйин кутиб қолишимизга асос бўлади.

Бу ўйин пойтахтимизда ўтган йили куриб битказилган янги ва замонавий «Бунёдкор» стадионида ўтказилган илк расмий учрашув сифатида тарихдан жой олади. Шу боис, бу учрашувни стадионнинг ўзига келиб томоша қилишга ошшаётган мухлислар кўп.

Ўзбекистон футбол федерацияси Ўзбекистон — Ливан терма жамоалари учрашуви учун 28300 дона чипта тайёрлади. Чипталар баҳоси 15000 сўмдан 40000 сўмгача қилиб белгиланди.

ЎФФ қошидаги «Ишчибозлар клуби» ташаббуси билан 62 миң дона махсус байроқча тайёрланди. Мухлислар етакчиси Абдурахмон Фозиловнинг билдиришича, терма жамоа аъзоларини руҳлантирадиган ва қўллаб-қувватлайдиган махсус дастурлар тайёрлаб қўйилган. Стадионда мухлислар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Бир сўз билан айтганда, бугун «Бунёдкор» стадиони ўзига хос катта футбол байрамига мезбонлик қилади. Ғалабага истак кучли, имконият етарли. Ҳамма гап шу имкониятдан қандай фойдаланишимизга боғлиқ.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» муҳбири

## «Farg'onaazot»

акциядорлик жамияти

### юртимиз аҳлини кўхна ва боқий Наврўз байрами билан самимий табриклайди.

### Мустақил Ватанимиз тобора обод бўлаверсин! Халқимиз турмушини янада фаровон қилишга қаратилган ислохотларни амалга оширишга барчага омаг тилайди!

Наврўзи олам муборак!

### Каракалпакский филиал

#### ООО «Агросаноат мулк маркази» сообщает:

11 и 26 апреля 2013 года в 12.00 по адресу: город Нукус, ул. Амира Темура, дом 122 проводятся открытые аукционные торги, на которых, в порядке последовательного роста начальных цен, выставятся на продажу:

1. Автомашина марки «Газ-53» 1991 года выпуска, гос. номер 23 АІ 079, принадлежащий

ОАО «Автожолмехбаза». Начальная цена 308 000 сум.

Принем заявок, от желающих участвовать в аукционных торгах, производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первичной

стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполнительного документа в справке оплаты на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в ОАК «Турон» банк. Информацию об объектах, выставленных на торги, можно получить по адресу: Республика Каракалпакстан, г. Нукус, ул. А. Темура, дом 122. Телефон для справок: (8-361) 222-55-84.

Уд. № 006388

**MUASSIS:**

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TANHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihihiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Sharbat	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

**BO'LIMLAR:**

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83, 233-55-17.

**MANZILIMIZ:**

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyiriy ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346 20311 nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21.40 Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2030-7633

1 2 3 4 5